

Рўза тутишнинг аҳамиятли томонлари нимада кўрилади?



11:00 / 13.04.2023 2490

Рўза тутишнинг жуда катта ва зарурий бўлган маънавий аҳамияти бор.

1. Рўза неъматларга шукр қилишга, неъматларнинг қадрини билишга васила бўлади. Чунки, нафс ейиш, ичиш ва жимоъдан ўзини тияди. Бу учови эса дунёвий неъматларнинг энг улуғларидандир. Улардан бир неча муддат тийилиб туриш, неъматларнинг қадрини яққол кўрсатади, чунки, одатда неъмат йўқолганда билинади. Неъматларнинг қазоси шукр билан бўлади. Неъматларга шукр қилиш эса фарздир. Бу ҳақида Аллоҳ таоло шундай марҳамат қилади: **نُورُكُنْشَاتٍ مُّكَلَّلَعَلَو**

«Шоядки, сизлар шукр қилсангизлар!». (Бақара сураси, 185-оят)

2. Рўза тақвога ҳам василадир. Чунки нафс рўза сабабли ҳалол нарсалардан тийилиб туради, ўзини асрайди. Бунинг сабаби у Аллоҳнинг розилигини топмоқчи, аламли азоблардан сақланмоқчидир. Бу билан ўз-ўзидан ҳаромлардан, Аллоҳ ман қилган нарсалардан сақланиш келиб чиқиши табиийдир. Зотан, ҳаромлардан сақланиш ҳам фарздир.

3. Рўза нафсга қаҳр қилиш, шаҳватларни синдириш воситасидир. Чунки, нафс қанчалик тўқ бўлса, шунчалик қутуради, шаҳватларни хоҳлайди. У оч бўлса, нафси-ҳавосининг попуги пасаяди.

Ибн Масъуд розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

مَصِيْلَةٌ لِّمَنْ كُنِمَ مِنْ شَيْءٍ نَمٍ

«Сизлардан кимки зинодан қўрқса, бас, рўза тутсин!», дедилар.

Имом Бухорий ва Имом Муслим ривояти.

4. Рўза шайтонга ҳам қаҳр қилиш воситасидир. Зотан, шайтоннинг иши адаштириш, шаҳватларга ёрдам бериш ва ундашдир. Адашиш ва шаҳватга берилишнинг асли кўп таом ейиш эканлигига шубҳа йўқ. Шунинг учун ҳам Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Шайтон одам болаларининг қон юрадиган жойларида юради, бас, унинг йўлини очлик билан торайтиринг!», дедилар.

5. Рўза камбағал ва мискинларга ёрдам беришга бир василадир. Зотан, рўзадор ўзида очлик ва чанқоқликни сезар экан, ўзгаларнинг очлик ва чанқоқлигига аҳамият беради ва уларга ёрдам бергиси, дардларига шерик бўлгиси келади. Шу билан Аллоҳ таолонинг раҳматига эришишни кўзлайди.